



Баъзилар сўрайдилар: Фидокорликлари ила миллатининг тарихига шарафли саҳифалар очган буюк инсонлар бу фидокорларига жавобан янги наслларга уларнинг фазилатларини эслатадиган моддий хайкаллар ўрнатишлик у миллатлар зиммасидаги бир вазифа эмасми?

Расулulloх саллаллоху алайхи вассалом бу хусусда шундай дейдилар: "Насронийлар Марям ўгли Ийсони мактаганлари каби мени мактаманг. Мен ҳақимда "Аллохнинг кули ва расули" десангиз, шунинг ўзи кифоядир". (Бухорий, Муслим)

Саҳобалар Расулulloх саллаллоху алайхи вассалламини кўрганларида унга ҳурмат ва шаънини юксалтирмоқ юзасидан оёқка турмоқчи бўлар эдилар. Бунга нисбатан ул зот шундай марҳамат қилганлар: "Ажамлар бир-бирларига таъзим учун оёқка турганларидек, сиз ҳам оёқка турманг". (Бухорий, Муслим)

Пайгамбаримиз саллаллоху алайхи вассалламу вафотларидан кейин ҳам ўзини эслашликда ҳаддан ошмасликни умматга васият этгатар: "Қабримни байрам (жойи каби) қилманг". (Бухорий, Муслим)

Расулulloх саллаллоху алайхи вассалламу аскар вақтларда Роббига шундай дуо қилар эдилар: "Аллоҳим! Қабримни ибодат қилинадиган бут қилма", Баъзи кишилар пайгамбар саллаллоху алайхи вассалламу ҳузурларига келиб: "Эй Расулulloх, эй хайрлимизнинг ўгли, энг хайрлимиз, эй энг олий жанобимизнинг ўгли, энг олийжанобимиз!", дея мурожаат қилар эдилар. Бунга жавобан у зот: "Эй инсонлар! Гапингизни гапиринг. Шайтон сизни жар ёқасига олиб бормасин. Мен Аллохнинг кули ва расули Муҳаммадман. Мени Азиз ва Аъло бўлган Аллох таоло менга берган макомдан ошириб макташингизни истамайман. (Насоий)

Инсонга таъзим хусусида бундай муносабатда бўлган бир дин баъзи инсонларнинг шараф ва хотираси учун мингларча сўмлаб маблағлар сарф қилиниб, бутлар сингари обидалар қуришга албатта, розилик бермайди.

Буюклик иддаосида бўлган канчадан-канча раҳнамолар ўзларига хайкаллар тиклаган ва шу тарика ўз миллатларининг ҳақиқий азамат эгаси бўлган Зотни билиш ва тафаккур қилишликдан тўсиб, адашганлар.

Мўмин кишилар учун эса барҳаётлик гайб ва шаҳодатни (очик ва яширин бутун борликларни) билган, қулларини адаштирамаган (аксинча, бирдан-бир тўғри йўл бўлган сироти мустақимга бошлаган), ҳеч қимни ва ҳеч нарсани унутмаган ягона яратувчи Аллох таоло наздидаги барҳаётликдир. Инсонлар наздида номаълум бир аскар бўлган ҳолда Аллох таоло наздида абадий ҳаёт дафтарида қайд этилган канча-канча буюклар бор. Чунки Аллох таоло тириклигида танилмаган, ўлгандан сўнг изланмаган тўғри, эътиқодли

ва яширин кишиларни яхши кўради.

Абадийлаштириш фикри инсонлар орасида доим мавжуддир. Аммо бу ишни хайкаллар кўйиш билан амалга ошириш ножоиз ва хато бўлади. Бу хусусда Иломнинг тутган бирдан бир йўли уларнинг калбларда ва фикрларда яшаб қолиши, килган яхши амаллари ва колдирган асарлари сабабли хотираларининг дилларда ва тилларда сақланиб қолиши шаклидалир.

Расулulloх саллalloху алайхи васаллам, унинг халифалари, Илом кўмондонлари, мўътабар имомларнинг ҳеч бири на моддий суратлар ва на тошдан йўнилган хайкаллар билан абадийлашган эмаслар... Йўк!... Уларнинг абадийлашишлари салафдан халафга, оталардан болаларга ўтган шакл ва суратдан мосуво, калбларни ва ақлларни тўлдирган, мажлисларга оро берган, юракларда нақш этилган ва тилдан тилга ўтиб келган ривоятлар воситасида амалга ошган.

Илом мусулмонларнинг калб ва рухларида яхши ва фазилатли кахрамон ва кўмондонларининг килган яхши ишларини абадийлаштиради. Мусулмонларнинг каттаси ва кичиги хазрати Абу Бакрни хикматли, хазрати Умарни адолатли, хазрати Усмонни такволи ва хаёли, хазрати Алини илмли ва кахрамон деб танийдилар. Уларнинг танилиши ва эсланишлари учун тошлардан тикланган кўркам ва бежирим ёдгорлик кераклигини ҳис қилмаганлар. Чунки, мусулмонлар уларни яхши амал ва гўзал ахлоқлари сабаби ила калбларида абадий яшатганлар.

Буюқларини ва кахрамонларини абадийлаштириш учун хайкаллар ўрнатишга уринишлик орқага ва ибтидоий замонга қайтиш бўлади. Буни биринчи бор сумарлар, сўнгра византияликлар ва юнонлар, кейинроқ эса европаликлар қилганлар. Бу ишни қилганларнинг ҳаммаси бутпарастларлир. Дин ва давлат раҳбарларини шу йўл билан абадийлаштиришни истаганлар ва уларга атаб хайкаллар ясаганлар. Араб ва мусулмонларнинг иш ва ахлоққа берган баҳолари бу йўлдан жуда ҳам узокдир. Балки булар, инсонни инсон ва кахрамон ўларок тасвир этишликдан ожиз қолгач, уни илохийлаштириш йўлига кетган ожиз қимсалардир.

Хулоса қилиб айтганда, бу хақида ҳар қандай бегона тушунча ва тасаввурга ўрин берилмаслиги керак. Иломнинг хайкалларни ҳаром қилиш ҳукмига ўзгартириш қиритиш йўлидан сақланишимиз керак. Чунки бу йўл, рух ва ахлоқимизга жуда ҳам зарарлидир.

Шайх Юсуф Каразовийнинг “Иломда ҳалол ва Ҳаром” китоби асосида  
Абу Муслим тайёрлади